

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ РНД.03/30.12. 2019. Таг.02.10 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МУХИДДИНОВ СУННАТУЛЛО ИНОЯТОВИЧ

**ХІХ АСР ИККИНЧИ ЯРМИ – ХХ АСР БОШЛАРИДА САМАРҚАНД
ВИЛОЯТИ МАОРИФИ**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата доктора философии (PhD)

Contents of the dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Муҳиддинов Суннатулло Иноятovich

XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Самарқанд вилояти маорифи.....3

Муҳиддинов Суннатулло Иноятovich

Просвещение в Самаркандской области во второй половине XIX – начале XX века.....23

Muhiddinov Sunatullo Inoyatovich

Education in the Samarkand region in the second half of the 19th century and the beginning of the 20th century43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....47

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ РНД.03/30.12. 2019. Таг.02.10 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МУХИДДИНОВ СУННАТУЛЛО ИНОЯТОВИЧ

**ХІХ АСР ИККИНЧИ ЯРМИ – ХХ АСР БОШЛАРИДА САМАРҚАНД
ВИЛОЯТИ МАОРИФИ**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В 2018.3. PhD/Таг320 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (<http://www.samdu.uz>) ва Ziyonet Ахборот-таълим порталига (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Алимова Дилором Агзамовна
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ғаффоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор

Агзамходжаев Саидакбар Саидович
тарих фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Навоний давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи 03/30.12. 2019. Таг.02.10 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «__»_____ соат ____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (99866) 239-11-40, (99866) 239-18-92; Факс: (99866) 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй). Тел.: (99866) 239-11-40, (99866) 239-18-92; факс: (99866) 239-11-40).

Диссертация автореферати 2020 йил «__»_____ кунда тарқатилди.
(2020 йил «__»_____даги ____ рақамли реестр баённомаси)

Исҳоқов М.М.

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси т.ф.д., профессор

Нормуродова Г.Б.

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, т.ф.д.

Саидов И.М.

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш ҳузуридаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Мавзунинг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон цивилизацияси ривожда дунё халқларининг илм-фан ва маданият соҳасида эришган ютуқлари муҳим ўрин тутди. Бу борада Марказий Осиё минтақаси, хусусан, Ўзбекистон халқлари жаҳон тараққиётига ўзига хос ҳисса қўшган. Шарқу Ғарбни ўзаро боғлаган ва буюк цивилизациялар туташган Ўзбекистон ҳудудида илм-фан, маданият азалдан ривожланган. Айниқса, салкам уч минг йиллик тарихи мобайнида дунё цивилизацияси ва турли халқлар маданияти чорраҳаси бўлиб келган Самарқанднинг жаҳон тараққиётига қўшган ҳиссаси беқиёсдир. Самарқанд тарихи ва маданиятининг жаҳон миқёсида юксак эътироф этилиши ва 2001 йилда ЮНЕСКОнинг маданий мероси рўйхатига киритилганлиги, унинг бутун башариятнинг маънавий мулки эканлигидан далолат беради.

Марказий Осиё тарихининг турли босқичларида Самарқандда жамланган илм-фан, маданият ва санъат намуналари қўшни давлатлар ва бутун Шарқ тараққиётига катта таъсир кўрсатган. Шу жиҳатдан, бугунги кунда хорижнинг кўпгина етакчи илмий марказларида Самарқанднинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий тарихига қаратилган кўпгина илмий лойиҳалар устида изланишлар олиб борилаётгани эътиборга моликдир. Айниқса, XIX аср иккинчи ярми XX аср бошларида Самарқанд маданий ҳаёти, таълим тизимида юз берган трансформация жараёнлари тарихига доир махсус илмий изланишлар олиб борилиши мавзунинг халқаро миқёсдаги илмий аҳамиятини белгилайди.

Истиқлол йилларида Ўзбекистонда маданий меросга муносабат, уни ўрганиш ва авлодларга етказиш масаласига берилган эътибор давлат сиёсатининг устивор йўналишига айланди. Шу муносабат билан, фан соҳасида тарихчи олимларнинг сайи-ҳаракатлари билан Ўзбекистон тарихининг кўпдан-кўп муҳим саҳифалари қаторида XIX аср охири – XX аср бошлари тарихи бўйича ҳолисона илмий изланишлар амалга оширилди. Бироқ ҳозирги вақтда мустамлака шароитида Туркистон ўлкаси маориф соҳасида олиб борилган давлат сиёсати ва таълим тизими моҳиятини чуқур ўрганиш долзарблигича қолмоқда. Хусусан, Туркистон илм-фани ва маорифи соҳасида ўзига хос ўрин тутган Самарқанд вилояти таълим тизимининг анъанавий ҳолати ва трансформацион жараёнларини тадқиқ этиш танланган муаммонинг хусусий жиҳатларини аниқлаш ва тизимли ўрганишга имкон беради. Бу эса диссертациянинг тарих фани соҳасидаги заруратини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича «Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли, 2017 йил 30 июндаги Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича «Жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-3105-сонли ва 2018 йил 28 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги» ПҚ-4038-сонли қарор ва фармонлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган

вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» номли устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Самарқанд вилоятининг маориф соҳаси тарихи ҳозиргача махсус тадқиқот объекти бўлмаган. Бу масала Туркистон таълим тизими тарихи тадқиқ этилган адабиётларда умумий жиҳатдан ўрганилган. Шунга қарамасдан, Туркистон маорифи тарихига бағишланган бир қатор изланишлар олиб борилган бўлиб, уларни яратилган даври, ҳудуди ва ёндашувига кўра шартли равишда тўрт гуруҳга бўлиш мумкин: 1. Россия империяси мустамлакаси даврида яратилган асарлар; 2. Совет даври тадқиқотлари; 3. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда амалга оширилган ишлар ҳамда 4. Масалага оид хорижий тадқиқотлар.

Биринчи гуруҳга оид асарлар XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Туркистон ўлкасида таълимнинг анъанавий турлари ҳамда ҳукуматнинг бу соҳадаги сиёсати бағишланган масалаларни қамраб олади. Бу асарлар муаллифлари Н.В. Ханьков, К.П. Кауфман, Н.П. Остроумов, Ф.М. Керенский, С.М. Граменицкий, В.П. Наливкин, Н.А. Бобровников, Н.С. Лыкошин, К.К. Пален, А.П. Хорошхин сингарилар бўлиб¹, улар ўлкада империянинг таълим соҳасидаги сиёсатини амалга оширганлар саналади. Уларнинг асарлари Туркистоннинг маҳаллий ва рус маорифи соҳасига билдирилган муносабатлар, асосан, империянинг таълим сиёсатини қўллаб-қувватлаш нуқтаи назаридан ёндашилгани билан характерланади. Шунга қарамай, бу асарлар давр воқелиги билан боғланган кўплаб фактик материалларнинг тақдим этилганлиги ва муҳим маълумотларни бериши билан аҳамиятлидир.

¹ Ханьков Н.В. Описание Бухарского ханства. – СПб.: Императорской Академии наук, 1843. – 308 с.; Памятная книжка по управлению учебными заведениями Туркестанского края на 1880/81 учебный год. (Книжка III-я). – Ташкент, 1882. – С. 1-97; Кауфман К.П. Начальное народное образование в Туркестанском крае, 1881. – СПб., 1910. – С. 10-15; Остроумов Н.П. Исторический очерк народного образования в городах и укреплениях Сыр-Дарьинской линии и Туркестанской области до учреждения Туркестанского генерал-губернаторства с 1860 г. по 1867 г. – Ташкент, 1881. – С. 218-286; ўша муаллиф. Народное образование. Мусульманские мактабы и русско-туземные школы в Туркестанском крае. // Туркестанский сборник, Т. 418. – 63 с.; ўша муаллиф. Истории народного образования в Туркестанском крае. К.П. Кауфман, устроитель Туркестанского края. Личные воспоминания (1877-1881 гг.). – Ташкент, 1899. – 287 с.; ўша муаллиф. Мадрасы в Туркестанском крае. Журнал Министерства народного просвещения. №1, 1907 г. – С. 1-58; Керенский Ф.М. Медресе Туркестанского края. – СПб., 1892. – 37 с.; Граменицкий С.М. Очерки развития народного образования в Туркестанском крае // Сост. С. Граменицкий. – Ташкент, 1896. – 88 с.; ўша муаллиф. Положение инородческого образования в Сырдарьинской области. – Ташкент, 1916. – 159 с.; Наливкин В.П. Туземцы раньше и теперь. – Ташкент, 1913. – 144 с.; ўша муаллиф. Сведения о состоянии туземных мадраса Сырдарьинской области в 1890/91 учебный год. – Ташкент, 1916. – 42 с.; Бобровников Н.А. Русско-туземные училища, мектебы и медресе Средней Азии. Путевые заметки. – СПб.: Сенатская типография, 1913. – 90 с.; Лыкошин Н.С. Полжизни в Туркестане. Очерки быта туземного населения. – Петроград, 1916. – 415 с.; Пален К.К. Отчет по ревизии Туркестанского края, произведенный сенатором гофмейстером графом К.К. Паленом (т. VI). Учебное дело. – СПб., 1910. – 177 с.; Хорошхин А.П. Сборник статей, касающихся Туркестанского края. – СПб., 1876. – 532 с.; Вирский М.Н. Справочная книжка Самаркандской области. Вып. II. – Самарканд, 1895. – 272 с.; Обзор Самаркандской области за 1900 год. – Самарканд: Товарищества, 1901. – С. 21-24.

Иккинчи гуруҳга оид изланишлар орасида В.В. Бартольд, М.Ф. Думенко, И.М. Мўминов, Ж.А. Урумбаев, В.Т. Кочаров, К.Е. Бендриков, Й.А. Абдуллаев, Г.М. Билялов, Т.С. Саидкулов, И.И. Исмаилов, А. Мухаммаджанов, Р.Р. Рахимовлар асарлари ҳамда ҳаммуаллифликдаги монографиялар², асосан, мустамлака даврида Туркистоннинг таълим тизими тарихи, унинг муаммолари ва ҳолатини қиёсий ёритиб берилиши билан ажралиб туради. Иккинчи гуруҳ ишларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, уларда қўйилган муаммолар айрим вилоятлар ёки умумий ўлка мисолида ҳамда муайян даражада ҳукмрон мафкура ёндашуви асосида бир томонлама ўрганилган.

Учинчи гуруҳ мустақиллик йилларида Ўзбекистонда амалга оширилган тарихшунослик изланишлари янгича назарий-методологик асосда амалга оширилгани билан аҳамиятлидир. Бу борада, Россия империясининг Туркистондаги мустамлака сиёсати таъсирида маориф тизимининг ҳолати ва бу соҳадаги ўзгаришларнинг таҳлили Б. Валихўжаев, Д. Алимова, Б. Қосимов, Н. Абдурахимова, Д. Зияева, У. Долимов, Г. Юлдашева, А. Худойкулов, Б. Расулов, Г. Солижонова, Ш. Гаффоров, Ж. Исмоилова, Г. Асатова, К. Каттаев, А. Жуманазар, Л. Асророва, Н. Қодиров, Ф. Бобожонова, М. Алихожиев, М. Турсунова сингари олимларнинг ишларида амалга оширилган. Булар орасида ўлка ва алоҳида вилоятлар, ҳудудлардаги анъанавий таълим муассасаларининг ҳолати³, империя ҳукумати томонидан рус таълим тизимини жорий этилиши⁴,

²Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. – Ленинград: АН СССР, 1927. – 256 с.; Думенко М.Ф. Русско-туземные школы Туркестана. – Ташкент, 1957. – С. 15; Савицкий А.П. Некоторые данные об исламских учреждениях и политика царских властей в Туркестане. – Ташкент: АН Уз ССР, 1956. – С. 50-70; Муминов И.М. Из истории развития общественно-философской мысли в Узбекистане конца XIX и начала XX вв. – Ташкент: Узгосиздат, 1957. – 214 с.; Урумбаев Ж. Очерки по истории народного образования и школы Каракалпакии. – Нукус, 1958 – 75 с.; Кочаров В. Из истории организации и развития народного образования в Туркестанском крае. – Ташкент: Гос. Изд-во Уз ССР, 1959. – 124 с.; Бендриков К.Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане (1865-1917). – Москва: Изд-во Акад. пед. наук РСФСР, 1960. – 510 с.; Абдуллаев Й. Эски ўзбек мактабларида хат-савод ўргатиш. – Тошкент: Ўрта ва Олий мактаб, 1961. – 151 б.; Билялов Г.М. Развитие народного образования в Хорезме. – Ташкент: Ўқитувчи, 1969. – 141 с.; Саидкулов Т.С. Самарканд во второй половине XIX – начале XX веков. – Самарканд, 1970. – 254 с.; Мухаммаджанов А. Школа и педагогическая мысль узбекского народа XIX - начала XX века. – Ташкент: Фан, 1978. – 162 с.; Исмаилов Ш. Народное образование в Узбекистане в конце XIX – начале XX в.: Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1981. – 23 с. Рахимов Р. Традиционное начальное школьное обучение детей у народов Средней Азии (конец XIX - начала XX вв) // Сборник Музея антропологии и этнографии. Вып. 43. – Ленинград, 1989. – С.109-132.

³Абрамов М. Бухарские евреи в Самарканде (1843-1917 гг.). – Самарканд, 1993. – 84 с.; Шамсутдинов Р. Расулов Б. Туркистон мактаб ва мадрасалари тарихи. – Андижон: Мерос, 1994. – 148 б.; Акрамов И. XIX аср охири ва XX аср бошларида Самарканд вилояти мадрасалари // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – Тошкент, 1994. – №3-4. – Б. 54-58; Гульнор ал-Фарғоний. Туркистон ўлкаси маҳаллий мактаблари тарихидан // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – Тошкент, 1997. – №5. – Б. 52-57; Гафаров Н. Культурно – просветительская деятельность джадидов в Бухарском эмирате (начала XX века): Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Тошкент, 1999. – 25 с.; Солижонова Г. Ўрта асрларда Ўрта Осиё мадрасалари ўқув дастурлари ҳақида // O'zbekiston tarixi. – Тошкент, 2000. – № 3. – Б. 24-35; Валихўжаев Б. Самаркандда олий таълим – мадрасайи олия – университет тарихидан лавҳалар. – Самарканд, 2001. – 165 б.; Гаффоров Ш.С. Туркистоннинг ижтимоий-сиёсий ва маърифий ҳаёти тарихидан. (XIX – XX асрлар). – Самарканд, 1996. – 112 б.; ўша муаллиф. Чор истибодди даврида Туркистондаги таълим тизими. – Самарканд, 2001. – 133 б.; ўша муаллиф. Тарих ва тақдир: Россия империясидан Туркистонга кўчирилганлар. (XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари). – Тошкент: Фан, 2006. – 224 б.; Эрназаров Ф.Н. XIX аср охири XX аср бошларида Хива хонлигидаги маданий ҳаёт. Тарих фан. ном. дисс... автореф. – Тошкент, 2005. – Б. 23; Зияева Д.Х. XX аср бошида Ўзбекистонда анъанавий таълим тизими // XX аср Ўзбекистонда маданият тарихидан очерклар: анъаналар ва трансформация жараёнлари. – Тошкент, 2011. – Б. 18-20; Алихожиев М.О. Кўқон хонлигининг маданий ҳаётида мактаб ва мадрасаларнинг туган ўрни (1800-1876): Тарих фан. ном. дисс... автореф. – Тошкент, 2012. – 45 б.; Турсунова М. Мадрасалар таълими тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2017. – 92 б.; Бобожонова Ф. Бухоро амирлигида таълим тизими (XIX аср охири – XX аср бошлари). – Тошкент, 2014. – 123 б.; Жуманазар А. Бухорода таълим тизими тарихи. – Тошкент: Академия, 2017. – 592 б.; Асророва Л. Бухоро мадрасалари

Туркистон ва Бухоро миллий тараққийпарварлари томонидан очилган янги усул мактаблари фаолияти⁵ ва маҳаллий таълимнинг жамият маънавий-маданий ҳаётига кўрсатган таъсири билан боғлиқ бошқа бир қатор ишлар тадқиқот олдига қўйилган вазифаларни қиёсий солиштириш ва ёритишда муҳим ўрин тутди.

Тадқиқот тарихшунослигининг *тўртинчи гуруҳи* хориж асарларидан иборат бўлиб, бу асарларни яратилган даврига кўра икки қисмга бўлиш мумкин. Биринчи қисм – XIX аср иккинчи ярми XX аср бошларида Туркистон ўлкасига ташриф буюрган хорижлик сайёҳлар, олимларга тегишли асарлардан⁶ ташкил топиб, мазкур асарларда Россия империяси мустамлака шароитида анъанавий таълимнинг аҳволи хусусан, Самарқанд вилояти маданий ҳаётида таълим муассасаларнинг хусусиятлари очиқ берилган. Иккинчи қисм эса, МДҲ ва узоқ хориж тадқиқотчиларининг замонавий ишларини⁷ ўз ичига олади ва буларда асосий эътибор, Туркистон ва протекторатга айланган хонликлар маданий ҳаётида юз берган ўзгаришлар, миллий тараққийпарвар кучларнинг маориф соҳасидаги ислохатчилик қарашлари ва фаолиятига қаратилган. Бундай ишларда долзарб назарий-методологик ёндошувлар ифода топганлиги билан характерланади.

Барча гуруҳ тарихшунослик ишларини таҳлил қилиш асосида хулоса шуки, XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошлари Самарқанд вилояти маориф ҳолати ва унинг муаммоларини ўз ичига олган яхлит ва тизимли тадқиқот амалга оширилмаган. Тадқиқотларда қўйилган муаммо айрим вилоят,

тарихидан. – Тошкент: Ҳилол Нашр, 2016. – 104 б.; Махмудова Н.Б. XX аср бошларида Туркистонда маъмурий бошқарув тизими ва ижтимоий-иқтисодий аҳвол (сенатор К.К.Пален тафтиш материаллари асосида): Тарих фан. ном. дисс... автореф. – Тошкент, 2018. – 45 б.; Ирискулов О.Ж. XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Самарқанд шаҳрида ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнлар: Тарих фан. фалсафа док. (PhD) дисс... автореф. – Самарқанд, 2019. – 50 б.

⁴ Эргашев Ф. Туркистон мактаблари // Жамият ва бошқарув, 2007. – 2 сон. – Б. 15-17; Қодиров Н.Н. Туркистон ўлкасидаги рус таълим муассасалари тарихи (1867-1917 йй.). – Тошкент: Fan va texnologiya, 2014. – 172 б.

⁵ Худайкулов А. Просветительская деятельность джадидов Туркестана (конец XIX – начала XX вв.): Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1995. – 34 с.; Алимова Д. Бухара конца XIX – начало XX века и зарождение джадидизма // Общественные науки в Узбекистане. 1997. – № 9-10-11. – С. 81-93; Салижанова Г.Ф. Учебно-просветительские очаги в Туркестане, их общественное значение (конец XIX – начало XX). Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1998. – 30 с.; Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. – Тошкент: Маънавият, 2002. – 400 б.; Долимов У. Туркистонда жадид мактаблари. – Тошкент: Университет, 2006. – 126 б.

⁶ Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. – Москва, 1865. – 253 с.; Meakin Annette M.B., In Russian Turkestan. A garden of Asia and it's people. – London: The Balantime press, 1903. – P. 80-90; Curtis W. Eleroy. Turkestan // The heart of Asia. – London: Hodder&Stoughton, 1911. – P. 345. Eugene Schuyler. Turkistan. Notes of journey in Enssian Turkistan, Khokand, Buchara and Kuldga., Phil. Br. Member of the American Geographical Society and of the Imperial Russian Geographical Society, etc. – London, 1876. – P. 211.

⁷ Дякин В.С. Национальный вопрос во внутренней политике царизма (XIX в.) // Вопросы истории. 1995. - № 9. – С. 26-32; Тебиев Б.К. На рубеже веков. Правительственная политика в области образования и общественно - педагогическое движение в России к XIX - началу XX в. – Москва: Интеллект, 1996. – С. 256; Убайдуллоев Н.К. История народного образования Таджикистана второй половины XIX - начала XX вв.: Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Душанбе, 2003. – С. 15; Арапов Д.Ю. Система государственного регулирования ислама в Российской империи (последняя четверть XVIII - начало XX в.). – Москва, 2004. – 381 с.; Дубровская Т.А. Формирование и развитие системы профессионального образования в России (XIX - начало XX в.): Автор. дисс... докт. ист. наук. – Москва, 2004. – С. 16-18; Morrison A.S. Russian Rule in Samarkand 1868-1910: A Comparison with British India. – Oxford University Press 2008. – 400 p.; Seymour Becker. Russia's protectorates in Central Asia Bukhara and Khiva, 1865-1924. – London, 2004. – 348 p.; Adeeb Khalid. Culture and Power in Colonial Turkestan// Cahiers d'Asie Centrale 17/18 | 2009: Le Turkestan russe : une colonie comme les autres? – pp. 413-447; Shoshana Keller. Story, Time, and Dependent Nationhood in the Uzbek History Curriculum. Slavic Review. – vol. 66, N. 2 (Summer, 2007). – P. 257-277; Akiner Sh. Cultural Change and Continuity in Central Asia. Kegan Paul International: – England, 1991. – 377 p.; Paolo Sartori. Altro Che seta. Corano e progresso in Turkestan (1865-1917). – Prato, 2003. – 158 p.

худудлар ёки Туркистон ўлкаси мисолида ўрганилган бўлиб, бироқ илм-фан маркази бўлиб келган Самарқанд вилояти маориф соҳасининг ўзига хос ривожланиш ва муаммолари тўлиқ қамраб олинмаган. Бу эса танланган муаммонинг долзарблигини белгилайди.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Самарқанд давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг АТД-1 «Ўзбекистон худудида давлатчилик тарихи: муносабатлар ва қарашлар» (2016-2020 йй.) мавзусидаги тадқиқот доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Самарқанд вилояти маориф тизимининг ўзига хос хусусиятларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

империя ҳукуматининг Туркистон таълим тизими соҳасида юритган сиёсатини Самарқанд вилояти мисолида кўрсатиб бериш;

XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошлари Самарқанд вилоятида анъанавий бошланғич таълим муассасалари ва уларнинг ижтимоий аҳволи, таъминоти масалаларини очиб бериш;

Самарқанд вилояти мадрасаларининг ўқув жараёни мазмуни ва моҳиятини аниқлаш;

Самарқанд вилояти мадрасаларининг ижтимоий ҳолати ва моддий таъминотини таҳлил қилиш;

Самарқанд вилояти маориф тизимида Россия таълими ва унинг моҳиятини тадқиқ этиш;

Самарқанд вилояти маҳаллий таълимидаги модернизация жараёнлари ва янги усул мактаблари хусусиятларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Самарқанд вилояти маорифи ҳолати масаласи белгиланган.

Тадқиқот предметини XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Самарқанд вилояти маориф тизимида кечган ўзгаришлар ва муаммолар таҳлили ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда қиёсий таҳлил, хронологик изчиллик ва статистик таҳлил усулларидадан фойдаланилди.

Диссертациянинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Самарқанд вилоятининг Туркистон илм-фани ва маориф тизимида ўзига хос ўрни, хусусан, худудда мавжуд анъанавий бошланғич мактабларнинг (мусулмон, яҳудий мактаблари) аҳолига диний-ахлоқий билимлар ва жамоат тартиб-қоидаларини етказишдаги таянч вазифаси ҳамда таълим жараёнидаги муаммолар очиб берилган;

Мусулмон дунёсида нуфуз топган Самарқанд мадрасаларининг мустамлака шароитида ижтимоий-иқтисодий ҳолати ва давлат сиёсатининг моҳияти, жумладан, мадрасаларни бошқаришда «махсус йўриқномалар»нинг ишлаб чиқилиши, айрим тартибларнинг ўрнатилиши, жумладан ҳукуматнинг вақф мулкига оид сиёсати мударрис ва талабалар ижтимоий, моддий ҳолатига салбий таъсир кўрсатганлиги ҳолатлари аниқланган;

Самарқанд вилоятида империя ҳукумати томонидан ташкил этилган рус таълим даргоҳларининг империя манфаатига дахлдор ижтимоий руслаштириш, бошқарув, хўжалик, алоқа соҳаларида «кадрлар» тайёрлашдаги мақсади ҳамда маҳаллий аҳоли орасида тил ва ғарб маданиятининг ёйилишида тутган ўрни кўрсатиб берилган;

Самарқанд вилоятининг тараққийпарвар зиёлилари томонидан ташкил этилган 20 дан ортиқ янги усул – жаҳид мактабларининг ўзига хос хусусиятлари, миллий таълим тизимини жорий этиш орқали аҳоли маънавий ҳаётидаги маърифатпарварлик роли ҳамда таълим самарадорлигини ошириш мақсадида махсус дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг яратилганлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Диссертация Ўзбекистон тарихини XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Туркистон ўлкаси Самарқанд вилояти маорифи ҳамда унинг анъанавий ва модернизацион хусусиятларига оид маълумотлар билан тўлдирилган;

XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Самарқанд тараққийпарвар шахсларидан Мулло Комил Жўрабоев, Ҳожи Мирзо ва Баҳром Мирзо Муродов, Саид Аҳмад Хожа сингари моҳир педагог, ноширларнинг ислохотчилик фаолияти очиб берилган бўлиб, бу маълумотлар ёш авлод ва фуқароларда халқпарварлик, ватанпарварлик фазилатларини ўсишига хизмат қилади;

XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Самарқанд вилояти маориф ҳолати ва муаммоларига оид амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлиги XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларидаги Самарқанд вилояти маориф ҳолати ва муаммолари тарихини тадқиқ этиш Ўзбекистон Республикаси «Ўзархив» агентлиги фондлари, тарихий манбаларга асослангани, шунингдек, диссертация мавзуси бўйича асосий натижалар республика ва хорижий илмий нашрларда, конференцияларда кенг муҳокама қилинганлиги, амалий натижаларнинг эса ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Самарқанд вилояти маориф соҳасининг ҳолати ва муаммоларига оид маълумотлар Туркистон ўлкаси таълим тизимидаги умумий ва хусусий жиҳатларни аниқлашга хизмат қилувчи назарий-методологик хулосаларни мукамаллаштиради.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти эса олий таълим муассасаларида Ўзбекистонда таълим тарихига доир махсус курслар ташкил этиш, илмий-амалий лойиҳаларнинг бажарилиши ва фундаментал асарлар яратишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Самарқанд вилояти маорифи тарихи бўйича олинган илмий натижалар асосида:

XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Самарқанд вилоятида илғор зиёлилар томонидан ташкил этилган янги усул мактабларининг ўзига хос таълим хусусиятлари ва уларнинг аҳолининг маънавий-маданий ҳаётида тутган ўрнига оид хулосалар, фотолавлалар Самарқанд давлат музей-кўриқхонаси экспозицияларига илмий ишлов беришда фойдаланилган (Маданият вазирлигининг 2019 йил 13 сентябрдаги 01-12-10-4622-сон маълумотномаси). Тадқиқотнинг илмий хулосалари XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Самарқанд вилояти маориф соҳасидаги модернизация ҳолатлари ва уларнинг аҳоли маънавий-маданий ҳаётига кўрсатган таъсирини очиқ беришга хизмат қилган;

Самарқанд вилоятида империя ҳукумати томонидан ташкил этилган рус таълим муассасаларининг фаолияти ва уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўрни, шунингдек маҳаллий аҳоли ҳаётига кўрсатган таъсирга доир маълумотлардан ЎзР Фанлар академияси Тарих институтида 2012-2016 йилларда бажарилган ФА-Ф1-ГО23 сонли «Ўзбекистонда таълим тарихи ва тарихшунослиги: тажриба, муаммолар, ривожланиш» мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2019 йил 29 октябрдаги 3/1255-2849-сонли маълумотномаси). Бу эса XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Самарқанд вилояти рус таълим муассасаларининг маҳаллий муҳитга ижобий таъсири ҳамда уларнинг мустамлакачилик моҳиятини ёритиб беришга имкон берган;

Самарқанд мадрасаларининг мустамлака шароитида ижтимоий-иқтисодий ҳолати ва давлат сиёсатининг моҳияти, жумладан, мадрасаларни бошқариш тартиби ва назорати ҳамда ҳукуматнинг вақф мулкига оид сиёсатини таълимдаги ижтимоий гуруҳлар аҳволига кўрсатган таъсирга оид илмий хулосалар «Madaniyat va ma`rifat» телеканалининг «Дилга ташриф», «Тафаккурдан томган томчилар» каби кўрсатувларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон МТРК, «Madaniyat va ma`rifat» телеканалининг 2019 йил 13 августдаги 01-14/359-сон маълумотномаси). Тақдим этилган маълумотлар XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Самарқанд мадрасаларининг таълим жараёнини кенг жамоатчиликка етказиб беришга хизмат қилмоқда;

Самарқанд вилоятининг Туркистон илм-фани ва маориф тизимида ўзига хос ўрни, анъанавий таълим шакллари, хусусан, бошланғич мактабларнинг аҳоли ижтимоий ва маънавий ҳаётидаги роли ва бошланғич таълим жараёнидаги муаммоларга оид хулосалардан «Республика Маънавият ва маърифат маркази» Самарқанд вилояти бўлимининг «Миллий ғоя ва мафкура тадқиқотларини ташкил этиш» номли режасида фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2019 йил 4 сентябрдаги 1186-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижалари XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Самарқанддаги бошланғич мактабларнинг аҳоли диний-маърифий ҳаётидаги ўрни ва муаммоларини ёритиб беришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларнинг апробацияси. Тадқиқот натижалари 12 та конференция ва семинарларда, жумладан, 3 та халқаро конференцияларда

(АҚШ, Тожикистон) ҳамда 9 та республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, 9 та республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 145 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асосланиб, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети белгилаб олинган; тадқиқотнинг фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган; олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган; тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши ва апробацияси бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошида Россия империясининг Туркистонда таълим соҳасида юритган сиёсати ва Самарқанд вилоятида анъанавий бошланғич мактаблар**» деб номланган биринчи бобда мустамлака ҳукуматнинг ўлка таълим тизимида юритган сиёсатининг моҳияти, Самарқанд вилоятида анъанавий таълимнинг қуйи босқичи, унинг хусусиятлари, мактабларнинг ижтимоий аҳволи, таъминоти, турлари ҳамда Туркистоннинг бошқа вилоятлари билан ўхшаш ва фарқли жиҳатлари таҳлил этилган.

XIX аср ўрталаридан бошлаб Россия империясида таълим муассасаларини бошқаришнинг ягона тизимини шакллантириш мақсадида бир неча ислохотлар ўтказилди. Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил топгач, ҳукуматнинг таълимга оид давлат сиёсатида ўлка ҳудудида асрлар давомида фаолият юритиб келган анъанавий таълим тизимини ўз манфаатларига буйсундириш вазифаси юзага келган. Туркистон ўлкасидаги маориф соҳасидаги сиёсат генерал-губернаторлар буйруқлари асосида олиб борилган. Таълим сиёсатида белгиланган мақсадлар маҳаллий халқларнинг эътиқодига қатъий аралашмаслик тамойилига амал этилган ҳолда давр матбуотида расман эълон қилинган⁸. Бу борадаги ҳукумат сиёсати махсус қарорлар асосида, ушбу тамойил асосида олиб борилди⁹.

1876 йилнинг 1 январидан Халқ маорифи вазирлиги таркибида Туркистон ўлкаси ўқув ишлари бош бошқармаси ўз фаолиятини бошлаган¹⁰. 1879 йилда

⁸ Morrison A.S. Russian Rule in Samarkand 1868-1910: A Comparison with British India. ... – 2008. – P-P 213.

⁹ Остроумов Н.П. К истории народного образования в Туркестанском крае // К.П. Фон Кауфман устроитель Туркестанского края. – Ташкент, 1899. – С. 56. Алимова Д.А. Концепты истории Узбекистана: Теория и гипотезы III. – Ташкент: Baktria press, 2018. – С. 219.

¹⁰ Устройство учебной части в Туркестанском крае. // Голос, 1875, № 98. <https://www.dissercat.com>

65 қисмдан иборат «Туркистон ўлкаси халқ ўқув юртлари нозирлари йўриқнома»си ишлаб чиқилган¹¹ бўлиб, бу йўриқномага биноан, ўлкадаги барча, яъни, анъанавий ва рус таълим даргоҳлари умумий назоратга олинган. Туркистон генерал-губернаторлиги Россия империясининг бошқа губернияларидан фарқли равишда иқтисодий масалаларда бевосита империя молия идораларига бўйсунмаган. Ўлкада ҳарбий халқ бошқарувиغا асосланганлиги сабабли, асосий молиявий масалалар бевосита Ҳарбий вазирлик орқали олиб борилган. Ўлка марказий ташкилотлардан узоқда жойлашганлиги сабабли генерал-губернаторга молия ишларида алоҳида ҳуқуқ берилган. 1917 йилгача Туркистонда таълим муассасаларини молиялаштириш ҳарбий маъмуриятнинг аралашуви билан ҳал қилинган¹². Бу эса ўлкада маориф соҳаси ривожланишига маълум даражада салбий таъсир қилган.

Зарафшон округи ўрнида 1886 йил 12 июлда «Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги Низом»га кўра, Самарқанд вилояти тузилди. Эндиликда, вилоят маъмурий жиҳатдан Самарқанд, Каттакўрғон, Хўжанд ва Жиззах уездларидан иборат тарзда кенгайди. Бу эса, ўз навбатида вилоят таркибида таълим муассасаларининг сони ортишига сабаб бўлган. Бу даврда вилоят маориф тизимида аҳолига диний билимлар беришда маҳаллий бошланғич мактаблар ўз салмоғини сақлаб қолган. Шу сабабли, мусулмон мактабларига нисбатан давлат сиёсатида уларни назорат қилиш устивор вазифа саналган, бу таълим даргоҳларини идора этишда маъмурият томонидан махсус инспекторлар лавозими жорий қилинган. Архив маълумотларини таҳлил қилиш орқали, Самарқанд вилоятида турли йилларда мактаблар ва ўқувчилар сони ҳақидаги рақамларда фарқлар мавжудлиги аниқланди¹³. Мактабдаги ўқувчилар сони ҳудудларга қараб қишлоқларда ўртача 10-20 нафар, шаҳарларда 50-60 нафарни ташкил этган¹⁴. Мактабдорнинг билими ва савияси ҳам ўқувчилар сонини белгилаб берувчи мезонлардан бири саналган. Бу даврда мактаблар ўқув жараёнидаги энг катта муаммо, уларда аниқ режа асосидаги дастурнинг мавжуд бўлмаганлиги эди. Бутун ўлкада каби, Самарқанд мактаблари давлат томонидан моддий таъминланмаган. Бу эса ўқитиш тизимига ниҳоятда салбий таъсир кўрсатган. Молиявий таъминот халқ, жамоатчилик, қисман вақф мулклари ва хайр-эҳсонлар ҳисобига қопланган. Шунинг учун, вилоятдаги мусулмон мактабларининг моддий таъминотида, ўртача бир йилда сарфланадиган маблағлар миқдорида ҳудудлар кесимида фарқлар кўзга ташланади¹⁵. Мактаблар идора қилиниши ҳамда таъминоти жиҳатидан умумий ва хусусийга бўлинган. Хусусий мактаблар мансабдор, давлатманд кишилар, эшонлар томонидан ташкил этилган бўлса, умумий мактаблар жамоатчилик томонидан қурилган¹⁶.

¹¹ ЎзР МДА, И 47-фонд, 1-рўйхат, 22-иш, 2-варақ.

¹² Кочаров В.Т. Из истории организации и развития народного образования в дореволюционном Узбекистане. ... – С. 82.

¹³ ЎзР МДА, И 18-фонд, 1-рўйхат, 7347-иш, 54-55-варақлар.

¹⁴ Алимова Д.А. Особенности развития народного образования в Туркестане в период Российской империи // Вестник МИЦАИ. Выпуск 10, 2009. – С. 44-60.

¹⁵ ЎзР МДА, И 5-фонд, 1-рўйхат, 509-иш, 13-варақ.

¹⁶ ЎзР МДА, И-47-фонд, 1-рўйхат, 333-иш, 12-варақ.

Самарқанд вилоятида қизлар мактаблари ҳам мавжуд бўлиб, улар асосан шаҳарларда фаолият юритган. Қизлар мактаби таъминоти давлатманд кишилар, маърифатпарварларнинг маблағи ҳисобига молиялаштирилган. Масалан, ургутлик Хожа Валихон Ургутий ўз маблағи ҳисобидан қизлар мактабига ҳомийлик қилган¹⁷. 1913 йилдаги маълумотларга кўра, Самарқанд вилоятида 1052 нафар ўқувчи қизлар бундай мактабларда таҳсил олишган. Архив маълумотларига кўра, вилоятда 444587 нафар мусулмон аёл истиқомат қилган бўлса¹⁸, шундан бор йўғи 0.2 фоиз қизларгина мактабларда таҳсил олган¹⁹.

Маълумки, бу даврда Самарқандда кўп сонли яҳудий миллатига мансуб аҳоли истиқомат қилган. Улар ҳам ўз ўқитиш тизими ва мактабларига эга бўлишган. Самарқандда яҳудийлар маданий маркази ва бошланғич мактаблар иврит яҳудий тилида ташкил этилган²⁰. Яҳудий бошланғич мактаблари диний таълим муассасаси саналиб, «хедер» деб юритилган. 1911 йил январ ойи маълумотига кўра, вилоят бўйича жами 10 та яҳудий мактаби фаолият юритган. Шундан Самарқандда 8 та²¹, Хўжанд ва Каттакўрғон шаҳарларида 1 тадан мактаб мавжуд бўлган²². Вилоятдаги хедерларда (яҳудий мактабларда) 271 нафар ўғил, 69 нафар қиз болалар таҳсил олган. 1913 йилдаги маълумотга кўра Самарқанд вилоятида 13907 нафар яҳудийлар истиқомат қилган²³. Шундан мактабда таълим олаётган ўқувчилар 10 фоизни ташкил этган. Яҳудий мактаблари гарчи миллий мактаб кўринишида бўлса ҳам, аста-секинлик билан улар болаларга рус тили ва ғарб маданиятини ўргатишга ихтисослаштирилган ва рус фуқаролигига тайёрлаш вазифасини бажарган.

Арман миллати вакиллари 1898 йил 31 октябрда Самарқанд шаҳрида ўз ибодат уйларини ва унинг қошида вилоятдаги ягона миллий мактабларини ташкил қилишган²⁴.

Хуллас, XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Самарқанд вилояти маориф тизимида бир қатор ўзгаришлар юз берган бўлса-да, таълим тизимида аҳолига диний-маърифий билимлар беришда маҳаллий бошланғич мактаблар ўз салмоғини сақлаб қолди.

«Анъанавий таълимнинг юқори босқич тизими: мадрасаларнинг мазмуний моҳияти ва ижтимоий ҳолати» номли иккинчи бобда Самарқанд вилояти мадрасаларининг ижтимоий ҳолати ва бошқаруви, таълим жараёни ҳамда моддий таъминоти ёритиб берилган.

¹⁷ Мухиддинов С. Нақшбандия тариқатининг йирик намоёндалари ва уларнинг мактаблари // Марказий Осиё тарихи: манбашунослик ва тарихшунослик изланишлари. – Тошкент: ТДШИ, 2010. – Б. 191.

¹⁸ ЎзР МДА, И-18-иш, 1-рўйхат, 7347-иш, 16-варақ.

¹⁹ Вилоятда яшовчи аёлларнинг 1/4 қисмини мактаб ёшида бўлган деб тахмин қилсак, унда ҳар 105 нафар мактаб ёшидаги қизларнинг 1 нафари мактабда таҳсил олганлиги ойдинлашади. Бендриков К.Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане. ... – С. 46.

²⁰ Альмеев Р. Исследования и материалы по истории и этнографии бухарских евреев. – Бухара, 1998. – С.58.

²¹ 1913 йилга келиб шаҳардаги яҳудий мактаблари сони 1 та камайиб 7 тани ташкил қилган бўлса-да, вилоятда мазкур мактаблар сони биттага кўпайган (Қаранг: ЎзР МДА, И 18-фонд, 1-рўйхат, 7347-иш, 53-55-варақлар).

²² ЎзР МДА, И 181-фонд, 1-рўйхат, 89-иш, 38-варақ.

²³ ЎзР МДА, И 18-фонд, 1-рўйхат, 7347-иш, 76-варақ.

²⁴ Рубен Назарьян. Армяне Самарқанда. – Москва, 2007. – С. 179.

Мустамлака даврида миллий таълимнинг юқори босқичи кўп асрлик анъанавий бошқарув асосларини деярли сақлаб қолган бўлса-да, бироқ ўлкада мадрасалар фаолиятини назорат қилиш империя ҳукумати томонидан қабул қилинган фармойишлар орқали олиб борилди. Туркистон генерал-губернаторлиги маъмурияти анъанавий таълимга дастлаб «*аралашмаслик*» сиёсатини юритган бўлса, кейинроқ бу сиёсатдан воз кечиш ва ушбу таълим масканларини нафақат ташқаридан кузатиб бориш, балки уларнинг ички ишларини ҳам назоратга олиш зарурлигига эътибор қаратди.

XIX аср 80-йилларидан бошлаб мустамлака маъмурлари мадрасаларни Россия маориф маҳкамаларига бўйсундириб, уларнинг ички ишларига аралаша бошладилар. Шундан сўнг, Туркистонда мадрасалар ўлка ўқув юртлари бош инспектори розилигисиз очилмайдиган бўлди. Масалан, 1915 йил май ойида Туркистон ўлка халқ таълими бош инспектори томонидан Самарқанд вилояти инспекторидан рухсатсиз қурилган мадрасалар ҳақида маълумот сўралганда, бунга жавобан Каттакўрғон уездида рухсатсиз қурилган бир мадраса борлиги ҳақида ахборот берилган²⁵. Шу билан бирга, айрим ҳолларда мадраса очишга рухсат беришда талабаларнинг рус тилини ўрганиши шарт этиб кўйилган. Бундай даъват ҳукуматга руслаштириш ва мусулмон аҳолисини бошқаришга энгиллик берган²⁶.

Ўрганилаётган даврда нафақат Самарқанд, балки бутун Марказий Осиёдаги мадрасалардаги таълим жараёни эскириб, замон тараққиётидан ортда қолган эди. Лекин шунга қарамасдан, мадрасаларда ўз замонасининг зиёлилари етиштирилганлиги сабабли, генерал-губернатор К.П. Кауфман, уларни миллий мактаблардан кўра хавфли эканлигини, қайд этган эди. Унинг ҳукмронлик даврида мазкур таълим даргоҳлари инқирозини тезлаштиришга қаратилган чоралар кўрилган. Шулар жумласига «аълам» ва «мутававалибоши» лавозимлари бекор қилинишини мисол қилиш мумкин²⁷.

Айниқса, вақф мулклари ҳукумат томонидан назоратга олинган, мустамлака маъмурияти учун мадрасаларни бошқариш энгиллашган. Хусусан, бу борада ўлка бош инспекторининг 3-инспекторга мурожаатида «... вақф мулкларидан келаётган даромад фақат менинг рухсатим билан харажат қилиниши керак», деб таъкидлайди. Бундан 1873 йилдан бошлаб Самарқанд вилоятидаги барча мадрасалар даромадларининг бир қисми давлат ҳисобига ўтказилганлиги маълум бўлади²⁸. Шунингдек, таҳлиллар вилоятдаги мадрасаларнинг умумий даромади Фарғона ва Сирдарё вилояти мадрасалари даромадидан анча паст бўлганлигини кўрсатади.

1892-1893 ўқув йилида Самарқанд вилоятида 58 та мадраса фаолият олиб борган²⁹. Лекин 1891 йилдаги маълумотларга кўра, Самарқанд вилоятида 63 та мадраса бўлганлиги қайд этилган³⁰. Бу 5 та мадраса ёпилмаган балки хонақоҳ

²⁵ ЎзР МДА, И 181-фонд, 1-рўйхат, 89-иш, 184-варақ.

²⁶ ЎзР МДА, И 47-фонд, 1-рўйхат, 717-иш, 2-варақ.

²⁷ Исмаилова Ж. XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошларида Тошкентнинг «Янги шаҳар» қисми тарихи. –Тошкент: Фан ва технология, 2004. – Б. 85.

²⁸ ЎзР МДА, И 47-фонд, 1-рўйхат, 396-иш, 167-варақ; И 181-фонд, 1-рўйхат, 16-иш, 62-варақ.

²⁹ ЎзР МДА, И 455-фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 56-варақ.

³⁰ ЎзР МДА, И 47-фонд, 1-рўйхат, 328-иш, 90-варақ.

ёки қорихона бўлган бўлиши мумкин. Уларнинг фаолияти билан яқиндан танишмай мадраса сифатида рўйхатдан ўтказилган. Фақатгина мусулмон ўқув юртлари инспектори лавозими жорий қилинган, мадрасалар ва улардаги талабалар сонига аниқлик киритилади.

1913 йилга келиб, Самарқанд вилоятидаги мадрасаларда 2205 нафар талабалар таҳсил олган³¹. Вилоятда 1913 йилда 519893 нафар мусулмон эркак аҳоли истиқомат қилганлиги ҳисобга олинса³², тахминан аҳолининг 0,7 фоизигина мадрасада таҳсил олганлиги маълум бўлади. Шу ўринда, Ўзбекистон ҳудудидаги сўнгги мадраса Самарқанд вилояти Ургут туманида қурилганлигини айтиш лозим³³. Бухородаги Мир Араб мадрасаси ёпилган, унинг талаба ва мударрислари бир қанча вақт давомида Ургутдаги Мадрасаи Гиштинда таҳсил олишган. Анъанавий таълим тизимининг юқори босқичи Самарқандда 1920 йилларнинг ўрталаригача фаолият кўрсатган.

Бу даврда маъмурлар қайд этишганидек, мадрасалар фақат диний билимлар беришга ихтисослашган бўлмасдан, балки ўрта асрлардаги дунёвий фанлар ҳам ўқитилган. 1910 йилдаги архив маълумоти Самарқанд вилояти мадрасаларининг таълим муддатига аниқлик киритади. Шу йилда Шердор мадрасасида 120 талаба таҳсил олган. Таълим муддати эса 10 йил ёки кўпи билан 15 йил давом этган³⁴. Мадрасалардаги ўқув жараёни ривожланган ўрта асрлар даври таълимидан деярли фарқ қилмаган. Ҳар бир босқичда (*адно, авсат, аъло*) фанларни ўқитиш соддадан мураккабга қараб борган. Масалан, 1912 йилда Самарқанддаги Намозгоҳ мадрасасида 6 та талаба 1-бўлимда *Ҳидоя, Шарҳи Виқоя, Ҳикоят*, 5 та талаба 2-бўлимда *Шарҳи Мулло, Шарҳи Виқоя* ҳамда 13 та талаба 3-бўлимда *Мухтасар, Авомил, Мухтасари Виқоя* китобларини³⁵ ўқишган³⁶.

Марказий шаҳарлардаги мадраса битирувчилари давлат амалдорлари, мударрис бўлганлар, кичикроқ мадрасалар эса мактаб ўқитувчилари, масжид имомларини тайёрлашган.

Мадрасалар ички фаолиятини тўлиқ назорат қилиш мақсадида мударрисликка номзодлар қатъий текширилиб, биринчи навбатда, уларнинг ҳукуматга хайрихоҳлиги инобатга олинган. Масалан, 1893 йил 21 декабрда 3-инспекторга Самарқанд уезди бошлиғидан мурожаат тушиб, унда Нодир Девонбеги мадрасасида Мулла Абдулҳаким Нормухаммедов мударрис этиб

³¹ ЎзР МДА, И 18-фонд, 1-рўйхат, 7347-иш, 52-варақ.

³² ЎзР МДА, И 18-фонд, 1-рўйхат, 7347-иш, 16-варақ.

³³ Сайид Аҳмад Васлий. «Назм ус-силсила». (Б. Муҳиддинова таржимаси) – Тошкент: Янги Аср Авлоди, 2001. – Б. 12.

³⁴ ЎзР МДА, И 181-фонд, 1-рўйхат, 109-иш, 156-варақ.

³⁵ Имом Умар ан-Насафийнинг «Ал Ақоид» (калом ислом илоҳиёти) оид асари, Хаёлийнинг «Фавоиди бақоия», Мулло Исомиддин, Мулло Абдулҳаким, Мулла Аҳмад, Мулло Кулаҳмадларнинг «Ҳошияи кутбий»си, Мавлоно Тафтазонийнинг «Таҳзиб ал-мантиқ ва-л-калом», Ибн Ҳожибнинг «Ал Қофия», Убайдуллоҳ ибн Маъсуднинг «Мухтасар ул-виқоя», Абдурахмон Жомийнинг «Шарҳи мулло», Ал Қазвинийнинг «Рисолаи Шамсия фий қавоиди мантиқия», Мухаммад Абдулхайнинг калом ва мантиққа оид «Мулла Жалол» асарлари. Бурҳониддин Марғинонийнинг «Ҳидоя», Имом Мухаммад Розийнинг «Тафсири Кабир», Имом Бухорийнинг «Ал Жомеъ ас-Саҳих», Факих Маъсуднинг «Салотини Маъсудий» каби китоблардан билим олган. Қаранг: Каттаев К. Самарқанд мадрасалари ва илму фан ривожини ... – Б. 38-39.

³⁶ ЎзР МДА, И 181-фонд, 1-рўйхат, 109-иш, 153-варақ.

тайинлангани, тўпланган маълумотларга кўра, у ишончли одам ва рус ҳукуматига хайрихоҳ эканлиги³⁷, маълум қилинган.

Хуллас, манбалар таҳлили шуни кўрсатдики, Самарқанд вилоятида мадрасалар мустақиллигини сақлаб қолган бўлса-да, амалда уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳукуқи ҳукумат маъмурияти томонидан назоратга олинган. Бу борадаги сиёсатда ҳукумат мадрасалар ҳаётига янгилик киритмаслик ва уларда кенг дунёқарашли, билимли зиёлилар табақасини етишиб чиқишига қарши бўлганлиги маълум бўлади ва бу сиёсат генерал-губернаторлик тугатилгунига қадар давом этган.

Тадқиқотнинг учинчи боби «Самарқанд вилоятида Россия империяси таълим тизимининг жорий этилиши ҳамда модернизациялашган миллий янги усул таълимининг шаклланиши ва ривожланиши» деб номланади. Бу бобда Самарқанд вилояти маориф тизимида рус таълим тизимининг жорий этилиши ва маҳаллий аҳолининг унга муносабати масалалари ёритилган. Шунингдек, ушбу бобда янги усул мактабларининг фаолияти ва уларнинг аҳоли маънавий-маърифий ҳаётига кўрсатган таъсири очиқ берилган.

Россия империяси ҳукумати Туркистон ўлкасида рус маориф тизимини жорий этишни ўзининг муҳим вазифаларидан бири деб ҳисоблаган. Самарқанд вилоятида рус ва рус-тузем мактабларининг фаолияти бутун Туркистон ўлкасидаги сингари, Россия империяси намунасида йўлга қўйилди. Бу борада ўлкада каби вилоятда ҳам тобора кўпайиб борган рус аҳолиси учун мактаблар, гимназиялар, ўқитувчилар семинариялари очишга катта аҳамият берилган. Бироқ дастлабки босқичларда бундай билим юртли асосан рус аҳолиси учун зарур бўлган бошланғич таълим эҳтиёжини қондириш мақсадида, аниқ бир режасиз ташкил этилган³⁸.

Самарқандда дастлабки рус мактаби 1870 йил 14 январда очилган. Бу мактабда 20-30 нафар ўқувчи бўлиб, мактабнинг ўқув жараёнида рус тилини ўрганишдан ташқари, ўқувчиларга ҳунар ва қишлоқ хўжалик ишларини ўргатиш ҳам кўзда тутилган. 1876 йили бу мактабда 111 нафар ўқувчи бўлиб, улар орасида турли миллат вакиллари, жумладан, ўзбек, тожик, яҳудий ва ҳинд миллатига мансуб ўқувчилар бўлган. Икки йилдан сўнг бу мактабда маҳаллий ўқувчилар сони 34 нафарга етган, шундан 14 нафар ўзбек ва тожиклар ва 20 нафар яҳудий бўлган³⁹. 1879 йилда бу мактаб ўғил болалар ва қизлар мактабларига ажратилди. 1882–1883 ўқув йилида бу мактаблар уч синфли ўғил болалар ва қизлар билим юртига айлантирилган⁴⁰.

Дастлабки йилларда, Самарқандда ҳаммаси бўлиб уч синфли тўртта шаҳар билим юрти бўлиб, у ерда 78 та ўқувчи таълим олган. Лекин мазкур билим юртлирининг умумий аҳоли ва ўқитиш шароитлари талаб даражасида бўлмаган. Мактаблар маҳаллий аҳоли ишончини қозона олмаган ва таълим жараёни самарасиз бўлган⁴¹. Шунинг учун, 1878 йил 5 июлдаги ўлка ўқув

³⁷ ЎЗР МДА, И 181-фонд, 1-рўйхат, 16-иш, 60-варақ.

³⁸ Кочаров В.Т. Из истории организации и развития народного образования в дореволюционном Узбекистане. ... – С. 23.

³⁹ Туркестанские ведомости, 1884, № 36.

⁴⁰ Саидкулов Т.С. Самарқанд во второй половине XIX – начале XX веков... – С. 160.

⁴¹ Ўқувчиларнинг баъзилари бирорта русча сўзни билишмаган, баъзилари бир, иккита русча сўзни ўрганган холос. Уларнинг баъзилари яхши ёза олса-да, ёзганларини тушунмаган, баъзилари гапирса-да, ёзолмаган. 1878 йил 1 ноябр

ишлари инспекторининг ҳисоботида Самарқанддаги рус ўқув юртлири ҳолати халқ таълими бошқармаси талабларига жавоб бермаслиги таъкидланади⁴².

Архив маълумотлари таҳлилига кўра, Самарқанд шаҳрида 1, 2, 3 ва 4 синфлик билим юртлири ҳам очилганлиги маълум бўлади. Уларда ҳам диний таълим устун бўлиб, асосан, рус аҳолиси фарзандлари ўқишган⁴³. 1880 йили Хўжанд уезди ва Зарафшон округида 6 та шаҳар билим юрти ва 8 та диний мактаблар фаолият кўрсатган⁴⁴. 1884 йилги «Новое время» газетасида Самарқанддаги рус мактабларида ўтроқ аҳоли болаларининг сони сезиларли даражада кўпаяётганлиги ёзилган⁴⁵. Шубҳасиз, аҳолининг касб, иш юритиш, хўжалик соҳаларига бўлган эҳтиёжининг ошиши бу ҳолатга сабаб бўлган.

